

_____ -СОҢЛИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

20__ йил “__” _____

Тошкент шаҳри

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) номидан Агентлик директори Бурханов Акмал Эшондедаевич, кейинги ўринларда **“Иш берувчи”** деб аталади ва фуқаро _____, кейинги ўринларда **“Ходим”** деб аталади, томонидан мазкур меҳнат шартномаси қуйидагилар ҳақида тузилди.

2. Ходим Агентликка ишга қабул қилиниб, _____

_____ лавозимига тайинланади.

3. Меҳнат шартномаси **асосий иш бўйича** ҳисобланади.

4. Меҳнат шартномаси **номуайян** муддатга тузилади.

5. Иш бошланиш куни _____ ҳисобланади.

6. Синов муддати **3 (уч) ой**.

7. Ходимнинг мажбуриятлари:

а) меҳнат интизومي, ички тартиб-қоидаларга риоя қилиш;

б) Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилиш;

в) Иш берувчининг қонуний буйруқ, фармойиш, топшириқ ва кўрсатмаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

г) меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиш;

д) ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган лавозим йўриқномасидаги вазифаларни тўлиқ бажариш;

е) қонунчиликда назарда тутилган малака мажбуриятларига риоя қилиш;

ё) қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

ж) Иш берувчи томонидан берилган ва ишониб топширилган моддий қийматликларни авайлаб асраш;

з) жамоа шартномаси шартларига риоя қилиш;

и) ўзига маълум бўлган давлат, хизмат, шунингдек ҳарбий сирларни сақлаш ва ошкор этмаслик;

й) бевосита ёки билвосита нақд, нақдсиз пул маблағлари ёки бошқа моддий қимматликлар, мулк, мулк ҳуқуқи, мулкий тусдаги хизматларни ёки бошқа моддий ва (ёки) номоддий имтиёзларни таклиф қилмаслик ёки қабул қилмаслик, ваъда бермаслик, рухсат этмаслик, талаб қилиш ёки олишга розилик

бермаслик, расмиятчиликларни содалаштириш учун тўловларни олмаслик, асосланмаган устунликка эга бўлмаслик ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш мақсадида бирон бир шахдан ёки таъсирдан фойдаланмаслик, ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланмаслик, ўз хизмат вазифаларини суистеъмол қилмаслик;

к) бошқалар томонидан коррупциявий хатти-ҳаракатни содир этиш ёки унда иштирок этиш истаги сифатида талқин этилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар (хулқ-атвор)дан ўзини тийиш;

л) манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриш ва агар улар юзага келса, бу ҳақда Иш берувчини зудлик билан хабардор қилиш, ҳал қилинишига кўмаклашиш;

м) Агентликнинг бошқа бир ходими томонидан содир этилган коррупцияга оид фактлар ёки шубҳа (гумон)лар аниқланганда, бу ҳақда белгиланган тартибда Иш берувчига хабар бериш.

Ходимга қонун ҳужжатлари, ички норматив-ҳужжатларга асосан ушбу меҳнат шартномасида кўзда тутилмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

Ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилади, шунингдек бошқа турдаги қонунбузилишлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

8. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) ходимнинг меҳнатини ташкил қилиш, меҳнатини муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари, лавозим йўриқномаси, жамоа шартномаси ҳамда бошқа ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириш;

б) меҳнат интизомини таъминлаш;

в) иш ҳақини ўз вақтида тўлаш;

г) хавфсиз ва самарали меҳнат учун шарт-шароитлар яратиш, ходимни ўқитиш, унга меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароити тўғрисида йўл-йўриқ бериш;

д) иш жойини меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига асосан жиҳозлаш;

е) қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

ё) жамоа шартномаси шартларига риоя этиш.

Иш берувчига қонун ҳужжатлари, ички норматив-ҳужжатларга асосан ушбу меҳнат шартномасида кўзда тутилмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

9. Иш куни режими:

Ходим учун икки кун (шанба ва якшанба) дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси белгиланади;

Ходимнинг иш вақти соатбай (*соат 09:00 дан 18:00 гача*) ҳисобланиб, ҳафтасига қирқ соатни ташкил қилади.

10. Меҳнатга ҳақ тўлаш:

Ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Агентликнинг штатлар жадвалида белгиланган миқдорда амалга оширилади ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) лавозим маоши;

б) ҳарбий ва махсус унвони бўйича, шу жумладан кўп йиллик хизматлари учун устамалар;

в) қонунчилик ва идоравий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа тўловлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори қонун ҳужжатларига асосан ўзгариши мумкин.

11. Таътил бериш:

Ходимга ўттиз календарь кунидан иборат йиллик ҳақ тўланадиган асосий меҳнат таътили берилади.

Меҳнат таътили муддати қонун ҳужжатларига асосан ўзгариши мумкин.

Меҳнат стажи асосида ҳақ тўланадиган йиллик таътилига қўшимча таътил муддати норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва жамоа шартномасига мувофиқ белгиланади ҳамда ушбу таътил учун ҳақ тўланади.

Ходим қонунчиликда белгиланган тартибда ижтимоий таътил ҳамда иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллار олишга ҳақли.

12. Меҳнат шартномасининг шартлари тарафларнинг розилиги билан ўзгартирилиши ва (ёки) қўшимча киритилиши мумкин. Шартларнинг ўзгариши ва (ёки) қўшимча киритилиши меҳнат шартномасининг ажралмас қисми сифатида қўшимча келишув тузиш орқали расмийлаштирилади.

13. Мазкур меҳнат шартномаси бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

Томонларнинг манзили ва имзолари:

Ходим:

Манзили: _____

(сана, имзо)

Иш берувчи:

Агентлик директори
А.Э. Бурханов

Манзили: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 8А

(сана, имзо, муҳр)

Меҳнат шартномаси нусхасини олдим:

(Ф.И.Ш.)

(имзо)